

Иномжон РАХИМ

БОҚИЙ СЕВГИ



«ZAR-QALAM» — 2005

84(59)6-3

ИНОМЖОННИНГ ИНОМЛАРИ

Кўнгил – зиёратгоҳ. Энг тоза туйғулар мана шу ерда истиқомат қилишади. Шоирнинг вазифаси ниҳоятда мушкул. Чунки у ана шу кўринмас хилқатда яшириниб ётган жавоҳирларни шеърхон кўзи олдида гавдалантириши, унга тухфа этиши лозим. Бу борада шоир хазина изловчига ҳам ўхшаб кетади.


Иномжон «Паркент тонги» газетаси қошидаги адабиёт тўғарагининг навқирон вакилларидан. Унинг шеърлари Паркент табиати сингари жозибали, Чотқол бағрида яшовчи инсонлар каби истарали ва самимий. Ёш шоир адабиётимиз чаманига тортинибгина кириб келаяпти. «Боқий севги» — унинг илк шеърий тўплами. Азиз шеърхон, китобчадан ўрин олган шеърлар ёш шоиримиз кўнглининг дастлабки тухфалари. Умид қиламизки, бу иномлар Сизлар учун муносиб совға бўлади.

Усмон БЕК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
20.01.2005 йил

1031135

091

10



© И. Раҳим 2005 й.

ТАҚДИР ҚОНУНИ

Она ер кўксингда дунёга келдим,
Энди шу кўксингда ўсиб боряпман.
Жумбоқларни қўлдан келганча ечиб,
Ҳаёт синовидан ўтиб боряпман.

Оқ-қорани айни таниган пайтим,
Англадим бу дунё боқиймаслигин.
Балоғатга етган ҳар зот жавобгар,
Ёлғиз Парвардигор осиймаслигин.

Кимдир гуноҳидан тавба деб кетар,
Кимлардир жон берар гумроҳлигича.
Неча-неча дониш зотларни олдинг,
Кўп нарсалар қолди жумбоқлигича.

Синов олам аҳлин тартибга солган,
Бу қонун Оллоҳнинг яратган иши.
Тангри ҳузурига ёруғ юз билан
Боришни истагай ҳар мўмин киши.

Бу қонунни асло бузиб бўлмайди,
Бузишга интилиш саналгай гуноҳ.
Она ер, кун келиб менинг ҳам жисмим,
Аминман, бағрингдан топади паноҳ.



ТОЛ

Йўл четида каттакон бир туп тол ўсган,
Йўловчилар соясида олар ҳордиқ.
Тол ўзича, мендан кимга наф бор дерди,
Марҳамати бўлса ҳамки кўпга тортиқ.

Бир кун бир тўп йўловчилар тол остида,
Турли-туман мавзуларда сўзлашдилар.
Менда пул кўп, мендачи мол, мен бой жуда,
Қани кимнинг давлати кўп талашдилар.

Шунда ўтиб кетаётган фақир кимса,
Жўраларнинг орасига гап ташлади.
Биродарлар ўйлаб кўринг, элга сиздан,
Шу толча наф борми, улар тил тишлади.

У-ку, кетди фикрин айтиб ўз йўлига,
Бир оздан сўнг улфатлар ҳам тарқаб кетди.
Инсонларнинг суҳбатига гувоҳ бўлган,
Толнинг кўнгли ўз ишидан яйраб кетди.

Толиққанлар соясида тин олишса,
Дарахт учун бахт бормикан бундан ортиқ.
Йўл четида турар ҳамон каттакон тол,
Чарчаганлар соясида олар ҳордиқ.



ЭСДАЛИК

Яшасамда болаликнинг бўстонида,
Катталарга ҳавас қилиб қўяр эдим.
Гоҳ бобомнинг ҳассасини қўлга олиб,
Дўлписини пешонамга кияр эдим.

Отни кўрсам аллақандай завқни туйиб,
Таёқчага арқон боғлаб етаклардим.
Ёдимдадир этикчамни қўлга кийиб,
Майсазорда тойчоқ бўлиб эмаклардим.

Энг бебаҳо даврим экан болалигим,
Ўйламасдим бир кун жудо бўлмоғимни.
Болаликдан эсдаликка олиб қўйдим,
Бувим олиб берган жажжи қалпоғимни.



ПАХТАКОР

Кимдир Ватан дея жон берган чоғда,
Бошқаси тиззадан қон кечган эди.
Метин иродали боболаримиз,
Шу қора кунларда онт ичган эди.

Эркни олиб бериб кўрмай кетганлар,
Рухлари доимо қўллаб туради.
Тиззадан лой кечиб ўзбек деҳқони,
Ватан шони учун жавлон уради.

Меҳнатсевар ўзбек деҳқонларининг,
Кафти қадоқ бўлган кўп меҳнат қилиб.
Қадоқ қўл тафтида унган пахтанинг,
Юрт бойлиги турар юзида кулиб.

Бу бойлик соҳиби сенсан, пахтакор,
Сен она Ватаннинг жигарбандисан.
Боболар номига доғ туширмасанг,
Сен ўзбек элининг чин фарзандисан.



САВОЛ

Қор ёғади эзиб қалбимга,
Кўзларимга кўринмас бу қор.
Қоялардек кўкка талпинган,
Юрагимда бўй чўзган виқор.

Қор ёғади эзиб қалбимга,
Учқунлари алвонлар бироқ.
Сўла бошлар кўнглимдаги гул,
Сарғаяди ундаги япроқ.

Қор ёғади эзиб қалбимга,
Афсус, ҳали ёз фасли эди.
Дилгагина ёққан бу қорлар,
Айрилиқнинг бир насли эди.

Қор ёғади эзиб қалбимга,
Мен кутяпман чиқишин қуёш.
Қуёш ҳали чиқмади, нега,
Оқаётир кўзларимдан ёш?



ТАБИАТ

Қора булут – қовоғингдир,
Уни уйсанг қорлар ёғар.
Гоҳо, гоҳо сенинг мовий,
Кўзларингдан ёшлар оқар.

Қуёш сенинг табассуминг,
Ҳадя қилсанг яшнар олам.
Кулиб тургин табиатжон,
Бахт-қувончга ташна олам.



ОНАЖОН

Мусофирлик очди кўзимни,
Осийдирман, балки бегуноҳ.
Кеч англадим қадринг, онажон,
Бағринг экан қадримга паноҳ.

Тушларимда ёнингда эдим,
Хаёлимда отларга миниб,
Талпинардим қучоғинг сари,
Узоқлардан меҳринг соғиниб.

Шамолларга ёлворсамда ҳеч,
Келтира олмасди исингни.
Омон қайтсам агар ёнингга,
Кафтимда тутардим изингни.

Ажаб эмас, умр омонат,
Шу чоғимда ўлсам, онажон.
Армонсиз кетардим бир лаҳза,
Қучоғингда бўлсам, онажон.



АЙЁМИНГ МУБОРАК

Омад бу дунёда айланиб юриб,
Аранг топди сени хуш боқди кулиб.
Мана қувнаяпсан, ҳур ўлка қуриб,
Айёминг муборак, эй она халқим.

Етмасдан кетганлар бир пайт қадрингга,
Пойингга бош уриб қайтди бағрингга.
Бу олам тан берди сенинг сабрингга,
Айёминг муборак, эй она халқим.

Ўз оғушингдадур устунларинг ҳам,
Баъзан учраб турар қузғунларинг ҳам.
Лек осуда кечар кун-тунларинг ҳам,
Айёминг муборак, эй она халқим.

Бугун тўй, очилди дилим дафтари,
Яшнайвер интилиб мангулик сари.
Сенга бўлсин эзгу тилаклар бари,
Айёминг муборак, эй она халқим.



БАҲОР

Ёз. Самода қуёш чарақлар,
Кўнглимни қоплаган қалин қор.
Кечагина айрилган эдим,
Бугун сени соғиндим, баҳор.

Ёдимга тушириб васлингни,
Майин қўшиқ куйлади анҳор.
Шунда бир завқланиб қувнадим,
Лекин сени соғиндим баҳор.

Сен билан сайр этмоқ истасам,
Тонг чоғи излайман боғлардан.
Бир жуфт байт намуна оламан,
Сен билан ўтказган чоғлардан.

Қачон келишингни билмайман,
Аммо кутаяпман интизор.
Интил сен ҳам келақол тезроқ,
Сени жуда соғиндим баҳор.



ЖАЗО

Ўрмон шоҳи арслон,
Ҳайвонларни чақирди.
-Қўзичоқни ким еди,
Деб уларга бақирди.

Айиқ бўрини айтди,
Бўри эса сиртлонни.
Сиртлон, қаранг, безбетча,
Айбдор деди қуённи.

-Шоҳим, уни қуён еган,
Ана сўранг ўзидан.
Карамини еганичун,
Қасос олган қўзидан.

-Нега единг қўзини, деб,
Шоҳ қуённи шоширди.
Миқ этмагач жазола деб,
Бўривойга топширди.



ХАЁЛ

Сен мен билан биргасан доим,
Жудо бўлсам яшашим маҳол.
Хоҳла, берай сенга ўз жойим,
Фақат мени тарк этма хаёл.

Иккаламиз кўк қучган чоғлар,
Бизларга тиз чўкканди тоғлар.
Андалибга айланса зоғлар,
Сен-ла қувноқ ювардим хаёл.

Дунё бир кам, завқ-ғам ёнма-ён,
Қалбимни ғам босса ногаҳон,
Оғушингга шўнғиб шу замон,
Дардларимни ювардим хаёл.

Сен мен билан биргасан доим,
Жудо бўлсам яшашим маҳол.
Хоҳла берай сенга ўз жойим,
Ўтинаман, тарк этма хаёл.



НАФС БАЛОСИ

Икки сичқон қорин ғамида,
Кезиб юрар эди омборни,
Кўриб қолди яшик ёнида,
Нон қўйилган темир қопқонни.

Бири шошди нонни емоққа,
Иккинчиси қайтарди йўлин.
-Жон дўстгинам, борма у ёққа,
Бизни кутиб турган у ўлим.

Писанд қилмай дўстининг сўзин,
Бора солиб хўракни тортди.
Қопқон қисиб, чиқарди кўзин,
У нафсибат жойида қотди.

Овқат излаб чиққанди сичқон,
Нафс йўлида бўлди у қурбон.
Ким нафсига эга бўлмаса
Унга жазодир темир қопқон.



ИЛК БЎСА

Эрта тонгда хаёл билан,
Гулзорчага кириб қолдим.
Алвон-алвон чечакларга
Термулганча ўйга толдим.

Ёдингизда бўлса керак,
Гул сайрига борган эдик.
Қизғалдоқлар орасида
Роса суҳбат қурган эдик.

Кечагидек ёдимдадир,
Фақат лола тергандингиз.
Илк бўсани кетар чоғда,
Сиз ўзингиз бергандингиз.

Эҳ, бағритош, севгингизга
Содиқ бўлиб қолмадингиз.
Бойдан совчи келганида,
Ишқни эсга олмадингиз.

Энди фоний дунёда мен
Қизлар билан танишмайман.
Сиздан олган илк бўсани,
Ҳеч нарсага алишмайман!



БОҶИЙ СЕВГИ

Йўлларингда ошиқ қалбим зор қақшади,
Қиё боқмай юрагимни парчаладинг.
Нафсиз кетган ўтинчларим бошим эгди,
Армон бўлди орзуларнинг қанчалари.

Кеча, кундуз ўйлар эдим сени фақат,
Болалигим шу тариқа ўтиб кетди.
Назаримда Оллоҳ менга қилди шафқат,
Қалбимга сен солган яра битиб кетди.

Энди керак эмас эди менга ишқинг,
Шуни айтиб кўнгил ила ризолашдим.
Бошқа севиб қолмасликка ваъда бериб,
Севги деган туйғу билан видолашдим.

Аммо тақдир яна бизни учраштирди,
Севги хамон юрагимда турган экан.
Вайрон дилнинг пасту-баланд ерларида,
У кўринмай яшириниб юрган экан.




ОЛТИНСОЧ ҚИЗ

Гоҳ жилмайиб, гоҳо ўйчан нигоҳ ташлаб,
Хаёлимни олиб қўйдинг олтинсоч қиз.
Шўх тойчоқдек юрагимга сиртмоқ ташлаб,
Ипсиз кишан солиб қўйдинг, олтинсоч қиз.

Атрофимда бир-биридан гўзал қизлар,
Орасидан нигоҳларим сени излар,
Кўзларимга тўқнашганда шахло кўзлар,
Астагина кулиб қўйдинг олтинсоч қиз.

Нома ёзиб ҳисларимни этиб ошкор,
Сендек маъсум қизалоқдан топдим ўзор,
Деганингда: "Менинг ўзга севганим бор",
Дилгинамни тилиб қўйдинг, олтинсоч қиз.

Тополмасдинг изласанг ҳам бу жаҳонни,
Жамолингга менинг каби зор инсонни,
Қалдирғочдек қувноқ бола-Иномжонни,
Мажнунсифат қилиб қўйдинг, олтинсоч қиз.



ОНА ВАТАНИМ

Қалбимдаги сенга бўлган муҳаббат,
Тобора ортади улғайган сарим.
Кўркинг кўз ўнгимда ҳар лаҳза бисёр,
Улуғлигинг чексиз, она Ватаним.

Таърифинг тилларда яшар азалдан,
Мен учун тупроғинг азиздир зардан.
Олтин қасрлардан гўзал масканим,
Абадий кошонам—она Ватаним.

Кўксингда яшнасин мангу бахт, иқбол,
Келажагинг буюк, эркин нафас ол.
Керак бўлса сенга фидо жон, таним,
Жондан—да улуғим она Ватаним.



БУЛБУЛ ХОНИШ ҚИЛГАНДА

Ёқимлидир овози,
Дилга етар навоси.
Жажжи гўзал хонанда,
Булбул хониш қилганда.

Гузарда тўхтар ханда,
Берилиб тинглар ҳамма.
Гўзал чаманга боқиб,
Булбул хониш қилганда.

Тинглаган ҳар инсонда,
Чарчоқ босилар танда.
Дилга қувонч улашиб,
Булбул хониш қилганда.

Севинчимни тутолмай,
Шеър битаман бу ҳақда.
Чаманзордай Ватанда
Булбул хониш қилганда.



ОРЗУ

Оллоҳдан ризолик истайман,
Сўзим етса яхши бўларди.
Юлдузларга дўст бўлсам дейман,
Бўйим етса яхши бўларди.

Дунё ҳам бир ёрга ўхшайди,
Менда қасди борга ўхшайди.
Омад сира тутқич бермайди,
Қўлим етса яхши бўларди.

Асли тўйдим кўрган ёшимга,
Хоҳламасдан сурган ёшимга.
Энди бу қиш етган бошимга,
Ўлим етса яхши бўларди.

Ўлим, тўхта, шошмай тур бир зум,
Айтиб олай энг сўнгги орзум.
Мен етмаган бахт манзилига,
Ўғлим етса яхши бўларди.



БОБОМ ЭККАН ҚОВУНЛАР

Тилими тилни ёрар,
Бобом эккан қовунлар.
Йиғлаётган бола ҳам,
Еса зумда овунар.

Ариғидан оралаб,
Укам узар саралаб.
Есангиз тилингиздан
Тами кетмас ҳафталаб.

Уйга олиб кетсангиз,
Есангиз ҳам майлига.
Деҳқончилик, дўстларим,
Келинг қовун сайлига.



ОДИЛ ҲУКМ

Она ернинг сочига оқ оралади,
Кўкламгача бу оқлар тарк этмас энди.
Ҳар бир лаҳза қиёматда сўралади,
Ортада қолган ҳаётимиз қайтмас энди.

Ишларингиз чала битиб қолган бўлса,
Янги йилда давом этинг, қўлдан келса.
Бу йилимиз қутлуғ келар, насиб қилса,
Ортада қолган ҳаётимиз қайтмас энди.

Арчангизни бошдан-оёқ безатингиз,
Қорбобо ҳам қилар шунда иззатингиз.
Ўтган йилни хушнуд қилиб кузатингиз,
Ортада қолган ҳаётимиз қайтмас энди.

Янги йилни ўтказайлик оқилона,
Ўткинчидир дунё деган бу кошона.
Буни тақдир ҳукми дерлар одилона,
Ортада қолган ҳаётимиз қайтмас энди.



ҚОЛИБ КЕТДИ

Куз негадир қаттиқ келиб,
Дилга ғашлик солиб кетди.
Дилни роса эзган ғашлик,
Ўтган йилда қолиб кетди.

Янги йилга янги тилак,
Соф қалб билан ўтмоқ керак.
Ғаразликдан тўлган юрак,
Ўтган йилда қолиб кетди.

Янги йилда янги ташвиш,
Янги туйғу йўқлар эмиш.
Ўтган йил тарқаган миш-миш,
Ўтган йилда қолиб кетди.

Иномжон, сен тутдинг қалам,
Ёздинг фақат қайғу, алам.
Энди сени ёққан хис хам,
Ўтган йилда қолиб кетди.



ЮРАК

Қилмишимдан бошим эгилиб,
Виждон сўроқ қилган чоғида.
Кўнгил шуни истаб қолди, деб,
Мен қутилиб қолдим гоҳида.
Кечир мени, кечиргин юрак,
Сени айбдор қилганим учун.

Хандон отдим ноўрин жойда,
Телба дея қоралаб қўйди.
Бебош хаёлларим дастидан,
Сен шўрликни яралаб қўйди.
Кечир мени, кечиргин юрак,
Ўша дамда кулганим учун.

Эй, шўх, аммо беозор дўстим,
Латофатда тенгсизни суйдинг.
Тенгсиз гўзал бағритош экан,
Қанча ёндинг, оҳ, қанча куйдинг.
Кечир мени, кечиргин юрак,
Уни кўриб қолганим учун.

Аслида сен менга шоҳ эдинг,
Айтсанг қилардим-ку итоат.
Лекин нега шунча йил мендан,
Буйруқ олиб яшадинг фақат.
Кечир мени, кечиргин юрак,
Сени қулдек билганим учун.

Бўлди шунча хизмат қилганинг,
Сўнгги сўзларимга қулоқ сол.
Меҳнат қилиб нима наф кўрдинг,
Етар дўстим, энди ором ол.
Фақат мени кечиргин юрак,
Сени ҳафа қилганим учун.

КУЙЛАЙМАН

Куйламайман, гар куйласам,
Окқуш бўлиб куйлайман.
Бу дунёнинг дардларидан,
Хомуш бўлиб куйлайман.

Улус агар тор тутқазиб,
Куйлагин деб қўймаса.
Бир пиёла шароб ичиб,
Сархуш бўлиб куйлайман.

Аччиқ ҳақиқат чойига
Мен сололмайман шакар.
Аввал юмиб кўзларимни,
Сўнг туш бўлиб куйлайман.



ҚИЗИҚ БОЛА

Хаёт жуда қизик, қадами кулгу,
Ёлғиз қолсам гоҳо ўйга толаман.
Адашасиз мени қизик бола деб,
Мен содда боламан, содда боламан.

Сизни оламингиз менга бегона,
Кўриб турганингиз фақат бу таним.
Вужудимнинг ўзи бунда девона,
Хаёлот юртидир менинг Ватаним.

Сизга кулгу керак, менга кулдириш,
Чунки мен кулдириб лаззат оламан.
Бу кулгулар менмас, хаётку ахир,
Мен содда боламан, содда боламан.

Сўзларимга фақат кулиб қўясиз,
Сенда қалб борми, деб сўрамайсиз ҳам.
Барибир айтаман, қалбим бор лекин,
Яхшироқ бўларди юраксиз бўлсам.

Шоир бўлмоқликни қилмайман ҳавас,
Қизик бола дерсиз, тинглаб сўзларим.
Томиримда олов оқар басма-бас,
Шунга кўниколсам бўлди, дўстларим.

Ким бу сўзларимни мастликка йўйса,
Беринг бир пиёла, тамини кўрсин.
У агар кимнидир менчалик севса,
Мен каби мажнуни девона бўлсин.

Дунёни жуда кеч англадим, гумроҳ,
Балки зрта-индин кетиб қоламан.
Қизик бола кетди мендан олдинроқ,
Мен содда боламан, содда боламан.

Майли қолсин, қолган умрин яшаб ўтсин,
 Одатларин ортларига ташлаб ўтсин.
 Ғийбатлари тилларини тишлаб ўтсин,
 Кетаяпман алвидо ой, хайр қуёш.

Пора қалбим улусга тенг тутқазганим,
 Шудир айбим, шудир менинг ютқазганим.
 Оқ умримда ўз-ўзимга чоҳ қазганим,
 Кетаяпман алвидо ой, хайр қуёш.

Онажоним эркалиб ёшлигимда,
 Кўп хавотир олгандирсиз йўқлигимда.
 Ҳафа бўлманг, ахир жуда шўх эдим-да,
 Кетаяпман алвидо ой, хайр қуёш.

Фалақдан қор, кўздан эса ёмғир ёғар,
 Олапарим сезган чоғи маъюс боқар.
 Тулпоримнинг зор кишнаши кўксим ёқар,
 Кетаяпман алвидо ой, хайр қуёш.

Рухим кетиб бўлди, фақат жисмим қолди,
 Қалбимда ҳам ишқ асраган қисмим қолди.
 Оқ теракга ўйиб ёзган исмим қолди,
 Кетаяпман алвидо ой, хайр қуёш.

Қўлларимни қўйворингиз қондошларим,
 Майсаларга шабнам бўлмиш кўзёшларим.
 Хуш қолингиз самодаги сирдошларим,
 Кетаяпман алвидо ой, хайр қуёш.

ИККИ ДЎСТ

Икки дўст бўлган экан,
Бир бирига меҳрибон.
Бири жуда бой экан,
Иккинчиси билимдон.
Бойваччаси кун сайин
Совиб яқин дўстидан,
Кўст қидира бошлабди
Ишларининг устидан.
У дўстини ўзига
Қул ҳам қилиб олибди.
Бечорани бошига
Кўп азоблар солибди.
Маишату базмда
Кўни ўтарди бойни.
Бир кўни қароқчилар
Ишғол қилди саройни.
Ҳам бойлик, ҳам дўстидан
Жудо бўлди нодон бой.
Бевафолик қилса ким,
Ана шундай ҳоли вой.



СИЗ ТУШИМГА КИРГАН ЧОҒДА

Н.га

Мунофиқлар энг қимматли сўзларни ҳам,
Ишлатурлар дўпписи тор келган чоғда.
Чин ошиқман, сўз тополмай тилим ожиз,
Севги изҳор қилиш керак бўлган чоғда.

Онт ичаман, сизни севиб қолдим чиндан,
Гўё мен от, ишқ чавандоз менга минган.
Кул бўламан куйиб айтган сўзларимдан,
Сиз бепарво ишонмасдан турган чоғда.

Банди бўлиб қолдим узлат оғушида,
Юрак ҳаста муҳаббатнинг жодусида.
Жилмайсангиз жилвангизнинг ёғдусида,
Яйрар эдим сиз—ла суҳбат қурган чоғда.

Зулматларда дилга фироқ хўп тўлади,
Куйинганлар, суюнганлар кўп бўлади.
Гўё бошим узра ҳурлар тўп бўлади,
Бағритошим, сиз тушимга кирган чоғда.



ЭСИЗ БОЛАЛИК

Қаршилар эканман янги баҳорни,
Бу завқни илк бора туйиб турардим.
Самога сиғмасди гўё юрагим,
Хар икки дунёни кезиб юрардим.

Қалбимдаги сирли бу қумғон аро,
Ишқ қайнар, қайнарди ширин орзулар.
Ёшлик деб қанчалар яширган сарим,
Шу қадар тезликда ўсарди улар.

Тенгсиз болаликнинг бу ҳисларини,
Жиловлаб турмоқлик кечарди оғир.
Эркини ўзига бериб юбориб,
Ўзим асир бўлиб қолибман охир.

Бағритош санамга кўнглимни очиб,
Хижронга юз тутди тенгсиз болалик.
Шунда ўз-ўзимга дилдан ачиниб,
Дедим, эсиз сенга, эсиз болалик.



Биргалашиб хижрон ва севги,
 Келиб ошён топди қалбимдан.
 Улар эркин тутиб ўзларин,
 Қувват олар эди сабримдан.

Сабрим тугаб боргани сайин,
 Кучаярди севгимас, хижрон.
 Бундай юкни олиб туrolмай,
 Юрагимдан оқар эди қон.

Ёвуз хижрон кафтига олиб,
 Эзар эди дилни аёвсиз.
 Юракдаги бетоб муҳаббат,
 Энди бўлиб қолганди жонсиз.

Ўпкалайман ўз тақдиримдан,
 Куйдирса-я мени шунчалик.
 Жилмаярку ҳатто гуллар ҳам,
 Қадрим йўқми битта гулчалик.



Ўзинг билан руҳимни ҳам олиб кетдинг,
Энди қуруқ жисмим менга нечун керак.
Қалбинг керак эди, расминг бериб кетдинг,
Ўйла, қалбсиз хуснинг менга нечун керак?!

Сувратингга боққан билан кўзим тўймас,
Ке, қўй, шунга боқмай, десам дилим қўймас.
Хаёлимда исмингни кўп такрорлайман,
Бу фойдасиз исминг менга нечун керак?!

Хуш исингни кўп изладим гулдан сени,
Бирорта ҳам гул қолмади билган сени.
Чиқаришга уриняпман дилдан сени,
Чунки энди ишқинг менга нечун керак?!



ТУШ

Тун. Хижрон азоби қийнарни мени,
Хаёл оғушида ётардим бедор.
Сени кўргим келиб турганди, шунда,
Ёнимда яралди қанотли тулпор.

Унга миниб шундай кўтарилдимки,
Мен юрган сўқмоқлар булутдан эди.
Хаёлот юртида юрганим учун,
Сендан бошқаларни унутган эдим.

Ниҳоят манзилга етдим, чамамда,
Қаршимда турардинг, жиддий кўзларинг.
Ўзи яра эди юрагим ғамда,
Яна наштар урди айтган сўзларинг.

Қалбимга сен урган тиф алаmidан,
Бир бўса ололмай уйғондим чўчиб.
Бу туш дея дилга таскин беролмай,
Қон йиғлаб ётардим ёстиқни қучиб.



ЎЗБЕГИМНИНГ ҚИЗЛАРИ

Гоҳ бўласиз сизлар интизор,
Гоҳ қиласиз сизлар интизор.
Кўп ошиқлар изингизга зор,
Ўзбегимнинг гўзал қизлари.

Соғинганда топмаймиз асло,
Соғинтириб учрайсиз танҳо.
Гоҳ шодонсиз, ғамгинсиз гоҳо,
Ўзбегимнинг гўзал қизлари.

Соф табассум берар сизга зеб,
Кўп куюнманг атир, ула деб.
Қийнаманг—да бизни ҳам ҳа деб,
Ўзбегимнинг гўзал қизлари.



ИШҚ КҮЧАСИ

Менинг умрим гўё сен каби,
Соҳибжамол, беқиёс эди.
Бу ҳаётда мен билан бирга,
Яшаш фақат сенга хос эди.

Тортар эди қалбим сен томон,
Бош эгдим мен унга иложсиз.
Қайт, дедим-а, қайтмади қалбим,
Сен томондан томчи кўзёшсиз.

Кирди юрак ишқ кўчасига,
Берк эди у кўчанинг боши.
Йўл йўқлигин билганда ортга,
Дарёларга айланди ёши.

Афсус сенга айтмаганимда
Севги дарди битиб кетарди.
Менинг қалбим кенг эди жуда,
Ҳаммасини ютиб кетарди.



САИДА

Музаффарга

Болалиқда ташвишларсиз юрганимда,
Кўкламойдан бир ажойиб совға олдим.
Мактаб даврин тугатай деб турганимда,
Синфдошим Саидани севиб қолдим.

Дарсда ҳам ундан кўзим узилмайди,
Мавзулар ҳам қулоғимга ҳеч кирмайди.
Ўзи буни ё билади, ё билмайди,
Синфдошим Саидани севиб қолдим.

Мени асир этиб қўйди мовий кўзлар,
Саидага ўхшамайди ҳеч бир қизлар.
Қайда бўлсам нигоҳларим уни излар,
Синфдошим Саидани севиб қолдим.

Ўзим бориб айтмоқчийдим қулоғига,
Айтолмадим дош беролмай нигоҳига.
Охир секин кўнглим очдим ўртоғига,
Синфдошим Саидани севиб қолдим.



ҚАЛАМ СЕҲРИ

Шаробдан дардимга малҳам изладим,
Қўлим қалтирайди қаламни тутсам.
Аламлар тарк этиб бироз кўнглимни,
Қанийди бир лаҳза сени унутсам.

Қалбимга ўт ёқиб наштар урсангда,
Ранжимади сендан жабр кўрса ҳам.
Афсуслар бўлсинки, бу куйган юрак,
Сени унутмади сархуш бўлса ҳам.

Қалбим тўлиб кетса сақлаб туролмай,
Қаламга айтардим дардимни фақат.
Охиста тебраниб йиғларди у ҳам,
Сўзларим тинглашга қилолмай тоқат.

Шеър бўлиб тўкилиб қалам ёшлари,
Ожиз юрагимда нажот уйғотди.
Малҳам кутарди у сенинг сўзингдан,
Сендан кутганини қаламдан топди.



xxx

Ўртанади қалбим сизни соғинсам,
Ногоҳ расмингизни қўлга оламан.
Ўтмишга бир назар ташлайин десам,
Хаёлот юртига кириб қоламан.

Дўстлигимиз қани, қайларда қолди,
Хушчақчақ эдик – ку ғамлардан йироқ.
Озорингиз мени шу кўйга солди,
Қалбим таскин излар, тополмас бироқ.

Сўзласам термулиб кўзларингизга,
Севардим жилмайиб боқишингизни.
Ҳеч журъат қилолмай айтмасдим сизга,
Менга жуда – жуда ёқишингизни.

Ажралиш олдидан хайрлашган чоғ,
Хаёлим кетарди сиз билан бирга.
Мен севгидан сархуш кезар эдим боғ.
Сано айтиб бундай гўзал тақдирга.

Кечалар ухламай кутганча бедор,
Сўрар эдим оймомодан маслаҳат.
Айт, севгимни қандай қилайин изҳор,
Негадир у сукут сақларди фақат.

Севсангиз керак деб ўйлаган эдим.
Кирмаган эдим ой маслаҳатига.
Қалбимни очдим у азобда қолдим,
Тутилган эканман ишқ ғафлатига.

Қийин бўлиб қолди шу кундан бошлаб,
Сиз билан учрашиш мен учун, аттанг.
Кўп бора ёлвордим кўзларим ёшлаб,
Илтимос, қалбимни бир бора тингланг.

Юрдим дилга яқин сўзлар ахтариб,
Сиз ҳамон бепарво эканингиздан.

Умримнинг тенг ярми кетди қисқариб,
“Ваъда берганим бор” – деганингиздан.

Мана, неча кунки ошиқ Иномжон,
Юрмади қалбида алам, қайғусиз.
Севгилим, дардлашиб расмингиз билан,
Яна битта кеча ўтди уйқусиз.

Сўнги куни эди ўқувчиликнинг,
 Баъзилар шод-хуррам, кимдадир фироқ.
 Мен эса бепарво хаёл сурардим,
 Бехосдан чалинди сўнги кўнғироқ.

Бу наво юракни ўртаб юборди,
 Йўқ, бўлди бас, бошқа қулоқ солмайман.
 Айтажак сўзларим кўп эди сенга,
 Наҳот энди қайта учратолмайман.

Умид учқуни бор дилим қаърида,
 Уни ўчириб кет ё оташ олдир.

Дардларимни сенга баён қилмоққа,
 Қаламим ожизу тилларим лолдир.

Ёлвориб сўрадим, қийнама мени,
 Бир сўз айт, юракка у берсин нажот.
 Илтимос, тўхтагин мени шу ҳолда,
 Қолдириб кетишга чидайсан наҳот.

Сен кетдинг қалбимни қийноққа ташлаб,
 Ёдингга яшашчун ўртанмоқ керак.

Ўйлайвериб шундай қарорга келдим,
 Унутишни сендан ўрганмоқ керак.

Дардларимни билар эдингку, нега,
 Кўнгилга бўлак ҳам қилмадинг парво.
 Қалбинг тошми ё мен телба ошиққа,
 Бир ширин сўзингни кўрмадинг раво.

Қаламим дафтарга етгани ҳамон,
 Хижрон тўла юрак ёрилиб кетар.

Мисралар васлингни этар-у баён,
 Кўз ёшларим билан қорилиб кетар.

Ташлаб кетганинг бу сенинг айбинг деб,
 Тўғри ўзимни ҳам кўп оқламайман.
 Агар гуноҳ бўлса, гуноҳим шуки,
 Сени унутмоқни ҳеч хоҳламайман.

НОДИРАНИНГ ТАБАССУМЛАРИ

Севги дарди тузалармиди,
Боқсанг қуёш уялармиди,
Қуёшдан ҳам ўзиб кетмаса—
Нодиранинг табассумлари.

Хаёлларим остида ҳомуш,
Юрармидим севгидан сархуш,
Дудоғида шароб тутмаса—
Нодиранинг табассумлари.

Шайдо эмиш кўрдим қанчалар,
Ҳатто гулзордаги ғунчалар.
Наҳот гулларни ҳам қийнаса—
Нодиранинг табассумлари.

Ажабланманг тинглаб сўзларим,
Эҳтиросдан тўлган кўзларим.
Нима қилай тинчлик бермаса—
Нодиранинг табассумлари.

Эндигина бир қизни суйиб,
Кул бўляпти юрагим куйиб.
Яшолмасам керак алдаса—
Нодиранинг табассумлари.



ЯНГИ МАКТАБГА

Оғир олмагин—у сендан норозиман,
Ахир ўқиб тургандикку бир амаллаб.
Мени ташлаб тош юракли қизлар билан,
Севгилимни тортиб олдинг Янги мактаб.

Кувониб ҳар танаффусда кўрганимга,
Сўз очолмай дарсхонага қайтар эдим.
Яна бироз сабр қилиб турганимда,
Юрак ютиб севганимни айтар эдим.

Энди бошим эгиб борсам қароғингга,
Эрмак қилар тушунмасдан дилтошларинг.
Эшингни бетга ёпиб, қучоғингга
Йўлатмайди заҳардудоқ фаррошларинг.

Очилдинг—у менинг кўнглим бўлди вайрон,
Ахир уни бир кун кўрмай туролмайман.
Бағрингга ол, ол мени ҳам жон мактабжон,
Мен бу ерда севгилимсиз юролмайман.



АФСУСЛАНМАНГ

(Ҳазил)

Тор кўчада саломимга олмай алик,
Туширдингиз юрагимга кўркув, ҳадик.
Майли дедим кексалиқда, бу кексалиқ,
Хўп десангиз сизга бир оз кўнгил очсам,
Афсусланманг, қизингизни олиб қочсам.

Кўп ўтардим от елдириб кўчангиздан,
Кўз узолмай ҳовлидаги гунчангиздан.
У гўзални афзал кўрдим қанча қиздан,
Яна бир бор тулпоримга қамчи боссам,
Афсусланманг, қизингизни олиб қочсам.

Кам эмасман ҳеч кимсадан, бахти бутун,
Фақатгина сизга бошим эгдим бугун.
Дуо қилинг, тотув кечсин эртанги кун,
Шоҳмасманки, пойингизга тилло сочсам,
Афсусланманг, қизингизни олиб қочсам.



АТИРГУЛ

Хар сафар гулзорнинг ёнидан ўтсам,
Бир туп атиргулга кўзим тушарди.
Хавасин келтириб капалакларни,
Шамолнинг куйига ўйин тушарди.

Бир кун атиргулга яқинроқ юриб,
Лол қолдим хуснига термулиб туриб.
У парво ҳам қилмас, юзин терс буриб,
Шамолнинг куйига ўйин тушарди.

Ошуфта булбуллар куйлар қон ютиб,
Асаларичалар омадни кутиб.
Гул эса дунёни тамом унутиб,
Шамолнинг куйига ўйин тушарди.

Бу сабо ўткинчи, кетади ташлаб,
Тушунмасдан ўйнар очилиб, яшнаб.
У ҳатто менинг ҳам кўнглимни ғашлаб,
Шамолнинг куйига ўйин тушарди.

Шамол учган эди фақат атрига,
Бугун малҳам йўқмиш гулнинг дардига.
Қачонлардир етмай ишқнинг қадрига,
Шамолнинг куйига ўйин тушарди.



ЖАВОБ

(Ҳазил)

Севиб қолсам бирор қизни,
Чиндан севиб қоламан.

Севгилимни ҳар ҳафтада,
Алмаштириб оламан.

Ялинаман, ёлвораман,
Қўймайман ҳол-жонига.
Уч-тўрт кун суҳбатлашгач,
Бошқасининг ёнига.

Аслида айб менда эмас,
Юрак қурғур сал чатоқ.
Ҳар беш кунда ўзи учун,
Излайди янги ўртоқ.

Зўр йўлини ўйлаб топдим,
Шуни қўллаб тураман.
Агар яна севиб қолсам,
Айтмай юравераман.

Севги деган туйғуни,
Бошланиши роҳат-да.
Қолганику бир гап бўлар,
Чидаймизда бир ҳафта.

Ахир айтинг, нима қилай,
Изҳор қилсам бўлмайди.
Ўша қиз хўп деган билан,
Кўнгил ўлгур тўлмайди.

Тонгга улаб тунларни,
Шунга жавоб ўйлайман.
Қани, қани тўхтангчи,
Топганга ҳам ўхшайман.

Жавобимни эшитинг,
Таҳлил қилиб кўрайлик.
Ўзбегимнинг қизлари
Бир биридан чиройлик.

ЎРИКЛИСОЙ ЭТАКЛАРИДА

Чорлаганда сиз томон хаёл,
Доим шундай ўйлаб юраман.
Илк нигоҳда туғилган савол,
Яна сизни қачон кўраман.

Сизни яна кўраман қачон,
Муҳаббатнинг ҳажридан тўйдим.
Абад бирга бўладигандек,
Сизга дилни топшириб қўйдим.

Ўша куни тонггача бедор,
Сизга атаб шеър битган эдим.
Қўлингиздан тутганда илк бор,
Шеъримни ҳам унутган эдим.

Ёшлик завқи айтиб ўтилар,
Қариликнинг эртақларида.
Энг зўр куним сиз билан ўтди—
Ўриклисой этакларида.



ТҮРТЛИКЛАР

Танинг соғ, ибодат қилишинг мумкин.
Гуноҳлардан фориг бўлишинг мумкин.
Қариганда тавба қиларман дема,
Қариликка етмай қолишинг мумкин.

xxx

Эй дўст, бир сўз айтай оғир олмагин,
Эр бўлсанг оғзингга сақич солмагин.
Майдонга тушган мард саналавермас,
Номарднинг пойида орсиз қолмагин.

xxx

Изласанг ҳар қушда макон бўлади,
Япроқлар кузакда хазон бўлади.
Хазонлар остида жим қолиб кетган,
Кесакда ҳам билки, забон бўлади.

xxx

Севги дилга тушганда бош эгиб қўйдим,
Севгилим бор дея кўкрак кериб қўйдим.
Минг афсуски, сароб экан бу туйғуга,
Энг гуллаган ёшлигимни бериб қўйдим.

xxx

Сени деб қалбимни ўтларга солдим,
Сени деб қалбимни куйдириб олдим.
Сени деб қалбимни ранжитдим кўпбор,
Негаям мен сени ёқтириб қолдим.

МУНДАРИЖА

Тақдир қонуни	3
Тол	4
Эсдалик	5
Пахтакор	6
Савол	7
Табиат	8
Онажон	9
Айёминг муборак	10
Баҳор	11
Жазо	12
Хаёл	13
Нафс балоси	14
Илк бўса	15
Боқий севги	16
Олтинсоч қиз	17
Она ватаним	18
Булбул хониш қилганда	19
Орзу	20
Бобом эккан қовунлар	21
Одил ҳукм	22
Қолиб кетди	23
Юрак	24
Куйлайман	25
Қизиқ бола	26
Икки дўст	28
Сиз тушимга кирган чоғда	29
Эсиз болалик	30
Туш	33
Ўзбегимнинг қизлари	34
Ишқ кўчаси	35
Саида	36
Қалам сеҳри	37
Нодиранинг табассумлари	40
Янги мактабга	41
Афсусланманг	42
Атиргул	43
Жавоб	44
Ўриклисой этакларида	45
Тўртликлар	46

ИННОМЖОН РАҲИМ

БОҶИЙ СЕВГИ

Тошкент, 700129, «ZAF-QALAM» нашриёти,
Навобий кўчаси, 30

Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди
26.01.2005. Бичими 70×90/32. Офсет босма усулида
босилди. Босма т. 1,5. Шартли босма т. 1,75. 800
нусада босилди. Буюртма № 1.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'qituvchi» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп
этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов
кўчаси, 1-уй.